


2020 йилнинг январь-сентябрида Республиkaning асосий капиталини кўпайтиришга 6940,1 млрд. сўм микдорида инвестициялар киритилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 86,2 % ни ташкил қилди, шундан хорижий инвестициялар 2924,8 млрд. сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг тақсимланиши**

	млрд. сўм	ўсиш суръати, %	умумий ҳажмга нисбатан % да
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>6940,1</b>	<b>86,2</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>2729,9</b>	<b>94,0</b>	<b>39,3</b>
бюджет маблағлари	596,5	51,7	8,6
Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси	71,1	105,5	1,0
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	73,6	22,5	1,1
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	1988,7	146,9	28,6
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>4210,2</b>	<b>81,8</b>	<b>60,7</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	1985,7	95,4	28,6
аҳоли маблағлари	546,0	70,6	7,9
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	936,1	56,4	13,5
тижорат банк кредитлари	726,9	115,4	10,5
бошқа қарз маблағлари	15,5	23,6 м.	0,2

### Асосий капиталга инвестициялар



**Марказлашмаган  
молиялаштириш манбалари  
хисобидан инвестициялар,  
таркиби % да**

**Ўтган йилнинг мос  
даврига нисбатан,  
% да**



**2020 йилнинг январь-сентябрида асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**

	жами	девлат	нодевлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>6940,1</b>	<b>1260,0</b>	<b>5680,1</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фойз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	4321,8	1192,7	3129,1
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари	2183,5	39,0	2144,5
Бошқа ҳаражатлар	434,8	28,3	406,5

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан қурилиш-монтаж ишларининг улуши 5,6 % ли пунктга ошганлиги, машина, ускуналар, транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари қиймати улуши 9,3 % ли пунктга камайганини ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 3,7 % ли пунктга ошганлигини кўрсатмоқда.

### Молиялаштириш манбалари бўйича қурилиш ишлари, млрд. сўм



2020 йил январь-сентябрь ойларида марказлаштирилган молиялаштириш манбаларига 2729,9 млрд. сўмлик инвестиция маблағлари киритилиб, бу қўрсаткич жами инвестицияларнинг 39,3 % ни ташкил этди, бу ўтган йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 94,0 % ни ташкил этган. Ҳисобот даврида марказлаштирилмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 4210,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди (жамига нисбатан улуши 60,7 %) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 81,8 % ни ташкил этди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига 1985,7 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестицияларнинг 28,6 % ўзлаштирилди. Аҳолининг маблағлари ҳисобидан 546,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, жами инвестициялар ҳажмининг 7,9 % ни ташкил этди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида 1988,7 млрд. сўмлик хорижий кредитлар ажратилди, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 46,9 % га купайган ёки жами инвестицияларнинг 28,6 % ни ташкил этади.


Шу билан бирга, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 742,4 млрд. сўмлик маблағлар киритилди (асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 10,7 %), бу ўтган йилга нисбатан 117,8 % га кўпайган, тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 936,1 млрд. сўм (умумий ҳажмининг 13,5 %) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 43,6 % ли пунктга камайган, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 73,6 млрд. сўм (улуши 1,1 %) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,5 % ни ташкил этган, Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 71,1 млрд. сўм ёки асосий капиталга киритилган жами инвестиацияларнинг 1,0 % и миқдорида инвестициялар киритилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,5 % ли пунктга ошган.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестиция ва кредитлар**


Ҳисобот даврида асосий капиталга киритилган инвестиацияларнинг асосий қисми, яъни қайта ишлаш саноатига 725,8 млрд.сўм, Қишлоқ, урмон ва балиқчилик хўжалиги фаолият турига 1244,0 млрд. сўм, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашга 2493,3 млрд.сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турига 500,4 млрд. сўм ҳамда 536,5 млрд. сўм уй-жой қурилишига тўғри келди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестиацияларнинг 7,2 % и (ўтган йилнинг мос даврига 32,3 %) электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турига, 35,9 % и тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолият турига (ўтган йилнинг мос даврига 128,1 %), 7,7 % и уй-жой қурилишига (ўтган йилнинг мос даврига 58,7 %), 3,8 % и ташиб ва сақлашга (ўтган йилнинг мос даврига 97,8 %), 17,9 % и қишлоқ, урмон ва балиқ хўжалигига (ўтган йилнинг мос даврига 115,4 %), 10,5 % и (ўтган йилнинг мос даврида 54,7 %) қайта ишлаш саноатига ва 1,8 % и қурилиш иқтисодий фаолият турига тўғри келди (ўтган йилнинг мос даврида 107,4 %).


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга  
киритилган инвестиция ва кредитлар  
(умумий ҳажмга нисбатан % да)**



**2020 йил январь-сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби**



**Молиялаштириш манбалари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар,  
(умумий ҳажсмга нисбатан % да)**



Жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 28,6 % корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилди, Шу билан бирга, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 10,7 %, аҳолининг маблағлари ҳисобидан 7,9 %, Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 13,5 %, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 1,1 %, Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 1,0 %, Ўзбекистон Республикаси Хукумати кафолати остида хорижий кредитлар ажратилди, бу эса жами инвестицияларнинг 28,6 % ни ташкил этади.

**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

	<i>Киритилган инвестициялар, млрд. сўм</i>	<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %</i>	<i>Умумий ҳажемдаги улуши, %</i>
<b>Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан</b>	<b>6940,1</b>	<b>86,2</b>	<b>100,0</b>
Республика бюджети	596,5	94,0	39,3
Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси	71,1	105,5	1,0
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	73,6	22,5	1,1
Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган чет эл кредитлари	1988,7	146,9	28,6
Корхоналар маблағлари	1985,7	95,4	28,6
Тижорат банклари кредитлари	726,9	115,4	10,5
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	936,1	56,4	13,5
Аҳоли маблағлари	546,0	70,6	7,9
Бошқа қарз маблағлари	15,5	23,6 м.	0,2

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг энг юқори ўсиш суръатлари кафолатланган чет эл кредитлари 1988,7 млрд. сум бўлиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 146,9 % ни ва тижорат банклари кредитлари ҳисобига тўғри келган, 726,9 млрд.сўм ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 115,4 % ни ташкил этган.

**Январь-сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган  
инвестициялар, млрд. сўм**

	2019 й.	2020 й.	ўтган йилнинг мос даврига ўсиш суръати, % да	жами инвестициялардан тўғридан-тўғри хорижий инвестиациялар ҳажми, минг АҚШ долл.
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>6838,6</b>	<b>6940,1</b>	<b>86,2</b>	<b>157103,3</b>
Нукус ш.	1231,9	972,6	68,1	32764,6
<i>туманлар:</i>				
Амударё	170,6	200,2	100,3	3978,0
Беруний	172,5	252,4	126,0	-
Бўзатов	7,0	80,0	9,6 м.	-
Қонликўл	93,5	192,5	175,4	2157,4
Қораўзак	270,7	170,3	53,3	2460,1
Кегейли	88,4	84,5	81,0	6948,3
Қўнғирот	984,1	888,3	76,6	72144,5
Мўйиноқ	989,4	2062,1	176,6	7012,1
Нукус	163,5	148,2	77,8	6514,7
Тахиатош	1383,7	538,1	33,0	822,4
Тахтакўпир	49,6	83,8	142,8	-
Тўртқўл	478,1	420,0	75,1	2681,0
Хўжайли	215,9	141,3	55,7	-
Чимбой	133,6	153,0	97,0	16830,0
Шуманай	60,5	140,6	196,9	2790,2
Элликқалъа	345,6	412,2	101,2	-


**Аҳоли жон бошига киритилган инвестициялар  
(2020 йил январь-сентябрь ойларида)**

	<i>Аҳоли жон бошига инвестициялар ҳажми, минг сўмда</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>3638,9</b>	<b>84,9</b>
Нукус ш.	3028,1	67,1
<i>туманлар:</i>		
Амударё	1001,4	98,7
Беруний	1311,3	123,6
Бўзатов	3700,6	9,5 м.
Қонликўл	3759,3	172,9
Қораўзак	3219,1	52,9
Кегайли	1161,5	80,4
Қўнғирот	6806,9	75,6
Мўйноқ	64439,9	173,9
Нукус	2935,5	76,4
Тахиатош	7261,5	32,6
Тахтакўпир	2070,2	141,1
Тўрткўл	1950,9	73,8
Хўжайли	1146,9	55,0
Чимбой	1359,0	96,1
Шуманай	2489,2	194,5
Элликқалъа	2576,0	99,4

2020 йилнинг январь-сентябрида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Мўйноқ тумани (64 439,9 минг сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 173,9 %), Тахиатош тумани (7 261,5 минг сўм, 32,6 %), Қўнғирот тумани (6 806,9 минг сўм, 75,6 %) ҳамда Қонликўл тумани (3 759,3 минг сўм 172,9 %) қайд этилди.


**2020 йил январь-сентябрь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм**

	Асосий капиталга киритилган инвестициялар жами, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича:				
		レスпубликада бюджетни корхоналар таблашлари	ахоли маъназлари	хорижий инвестициялар ва кредитлар	Хукумат кафолати остидағи чөт ел кредитлари	
Қарақалпогистон Республикаси	6940,1	596,5	1985,7	546,0	936,1	1988,7
Нукус ш.	972,6	204,5	389,9	41,4	85,6	13,2
<i>туманлар:</i>						
Амударё	200,2	13,1	34,1	47,8	39,5	41,5
Беруний	252,4	19,8	36,8	85,1	30,0	44,3
Бўзатов	80,0	11,8	35,1	8,4	19,8	-
Қонликўл	192,5	14,0	69,5	32,3	8,8	0,3
Қораўзак	170,3	8,8	64,0	13,4	39,2	0,4
Кегейли	84,5	16,8	21,1	16,8	10,0	-
Қўнғирот	888,3	21,3	377,3	28,4	370,9	0,9
Мўйноқ	2062,1	143,3	596,0	25,8	45,7	1211,2
Нукус	148,2	18,4	25,8	44,5	36,4	0,5
Тахиатош	538,1	16,3	68,9	24,8	58,0	274,0
Тахтакўпир	83,8	17,7	36,9	8,4	16,0	-
Тўрткўл	420,0	20,2	66,8	82,0	27,8	172,0
Хўжайли	141,3	5,6	49,2	24,8	23,4	-
Чимбой	153,0	26,4	35,7	15,9	55,1	0,1
Шуманай	140,6	8,9	55,1	14,8	13,5	0,2
Элликқалъа	412,2	29,6	23,5	31,4	56,4	230,1



Коралпогистон Республикаси	6940,1	71,1	73,6	742,4
Нұкса ш.	972,6	15,1	-	222,9
<i>тұманлар:</i>				
Амударё	200,2	1,6	-	22,6
Беруний	252,4	4,0	-	32,4
Бұзатов	80,0	3,0	-	1,9
Қонликүл	192,5	3,7	-	63,9
Қораўзак	170,3	1,3	-	43,2
Кегейли	84,5	5,0	-	14,8
Құнғирот	888,3	0,7	-	88,8
Мүйиноқ	2062,1	5,7	-	34,4
Нұкус	148,2	0,6	-	22,0
Тахиатош	538,1	1,4	73,6	21,1
Тахтакүпир	83,8	1,6	-	3,2
Тұртқүл	420,0	3,4	-	47,8
Хұжайли	141,3	3,6	-	34,7
Чимбай	153,0	7,1	-	12,7
Шуманай	140,6	2,9	-	45,2
Элликқалъа	412,2	10,4	-	30,8

**Январь-сентябрь ойларида мулкчилик шакллари бүйича  
асосий капиталга кириллгандык инвестициялар,  
(умумий ҳажсмга нисбатан % да)**



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 5680,1 млрд. сүмлик асосий капиталга инвестиациялар кириллгандык инвестициялардың 81,8 %-ы (2019 жылдың январь-сентябрь айларында 79,6 %-ынан 2,2 %-ли пункттың камайған) ташкил қилды.

## Иҗтимоий соҳа объектларини қуриш

2020 йилнинг январь-сентябрида умумий майдони 482,1 минг кв.м. бўлган 2819 та уй-жой (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 57,9 %) шу жумладан қишлоқ жойларида 318,4 минг кв.м, 1788 уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 536,5 млрд.сўми ёки 29,2 % и туарар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари қурилишида 138,5 млрд. сўм атрофида инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 7,5 % ини ташкил қиласди.

**Курилиш фаолияти.** 2020 йил январь-сентябрида 2912,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 101,2 % ни ташкил этди.



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 67,9 % и бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 15,4 % и фуқаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 16,7 % и ихтинослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 60,4 % и янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг  
ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**  
(умумий ҳажмга нисбатан % да)




Давлат мулки



Надавлат мулки



**Корхоналар турлари бўйича  
қурилиш ишлари ҳажми, млрд.сўм**



■ 2019 йил январь-сентябрь

■ 2020 йил январь-сентябрь

Жами қурилиш-пудрат ишлари таркибидаги “Бино ва иншоотлар қурилиши” фаолият тури бўйича 1978,8 млрд. сўмлик ишлар бажарилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 фоизли пунктга кўпайди. Шунингдек, “Фуқаролик обьектлари қурилиши” фаолият тури бўйича 448,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,7 фоизли пунктга камайди. “Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари” фаолият тури бўйича 485,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 0,8 фоизли пунктга камайди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми, (умумий ҳажмга нисбатан % да)




Жами қурилиш ишлари ҳажмида янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ишлари ҳажми 1759,7 млрд. сўмни ташкил этди. Капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ҳажми эса 1153,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантириш ишлари 2,5 % ли пунктга камайди. Капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ҳажми эса 7,7 % ли пунктга купайди.



**Қурилиш ишлари турлари бўйича**  
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)



**2020 йил январь-сентябрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича  
қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм**


	2019 йил	2020 йил	Ўтган йилнинг мос даврига ўсиши суръати, % да	Умумий ҳажмга нисбатан улуши % да
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>2533,8</b>	<b>2912,9</b>	<b>101,2</b>	<b>100,0</b>
Нукус ш.	896,6	994,0	97,4	34,1
<i>туманлар:</i>				
Амударё	87,6	117,3	118,6	4,0
Беруний	154,3	178,6	102,7	6,1
Бўзатов	7,7	20,5	235,0	0,7
Қонликўл	56,0	67,8	107,1	2,3
Қораўзак	34,0	38,8	100,6	1,3
Кегайли	50,7	60,3	104,8	2,1
Қўнғирот	238,0	275,0	101,6	9,5
Мўйноқ	114,0	130,5	100,7	4,5
Нукус т.	135,0	153,8	100,5	5,3
Тахиатош	112,7	128,4	100,4	4,4
Тахтакўпир	55,1	76,4	121,9	2,6
Тўрткўл	225,2	272,8	107,0	9,4
Хўжайли	180,7	185,8	90,5	6,4
Чимбой	37,9	43,6	101,2	1,5
Шуманай	32,5	37,0	100,4	1,3
Элликқалъа	115,8	132,3	100,6	4,5

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида Республика бўйича қурилиш ишлари ҳажмида Нукус шаҳри (Республика бўйича жами қурилиш қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 34,1 %), Қўнғирот (9,5 %) ва Тўрткўл (9,4 %) туманлари юқори улушларга эга.

Шунингдек, Республика миқёсида қурилиш ишлари ҳажмида энг паст улушлар Бўзатов (Республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши (0,7 %), Шуманай (1,3 %), Қораўзак (1,3 %) туманлари хиссасига тўғри келади.

**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида  
қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари**

	<i>Аҳоли жон бошига қурилиши ишлари ҳажми, минг сўмда</i>	<i>Ўсиши суръати, % да</i>
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>1527,3</b>	<b>99,8</b>
Нукус ш.	3094,4	96,0
<i>туманлар:</i>		
Амударё	586,8	116,6
Беруний	927,9	100,7
Бўзатов	950,6	233,9
Қонликўл	1324,2	105,7
Қораўзак	733,6	99,9
Кегайли	829,7	103,9
Қўнғирот	2107,1	100,4
Мўйноқ	4078,9	99,2
Нукус	3045,0	98,7
Тахиатош	1733,2	99,1
Тахтакўпир	1886,9	120,5
Тўрткўл	1267,2	105,2
Хўжайли	1507,8	89,4
Чимбой	387,0	100,3
Шуманай	654,4	98,8
Элликқалъа	826,8	96,0



■ Курилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм      ▲ Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати




### Аҳоли жон бошига қурилиш ишлари (2020 йил январь-сентябрь ойларида)

2020 йилнинг январь-сентябрида аҳоли жон бошига ҳисобланган қурилиш ишлари ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Мўйноқ тумани (4 078,9 минг сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 99,2 %), Нукус шахри (3094,4 минг сўм, 96,0 %), Нукус тумани (3045,0 минг сўм, 98,7 %), ҳамда Тахтакўпир тумани (1 886,9 минг сўм 120,5 %) қайд этилди.



**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида корхоналар турлари бўйича  
қурилиш ишлари ҳажми,  
(умумий ҳажмга нисбатан % да)**




■ йирик корхоналар ■ кичик корхоналар ■ норасмий сектор

Йирик корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг юқори кўрсаткичлари Қўнғирот (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 33,3 %), Тахиатош (29,7 %) туманларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида, Нукус тумани, Бўзатов, Чимбой, Шуманай, Қонликўл, Беруний, ва Тўрткўл туманларида қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи йирик корхона ва ташкилотлар мавжуд эмас.



### Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишлари улуси, (умумий ҳажмга нисбатан % да)



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида Республика бўйича қурилиш ишлари ҳажмида Нукус шаҳри (Республика бўйича жами қурилиш қурилиш ишлари ҳажмидаги улуси 34,1 %), Кўнғирот (9,5 %) ва Тўрткўл (9,4 %) туманлари юқори улушларга эга.

Шунингдек, Республика миқёсида қурилиш ишлари ҳажмида энг паст улушлар Бўзатов (Республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуси (0,7 %), Шуманай (1,3 %), Қораўзак (1,3 %) туманлари хиссасига тўғри келади.